

А Ж Р И М

2023 йил 6 сентябрь

Олтинкўл туман

Жиноят ишлари бўйича Олтинкўл туман судининг очик сайёр суд мажлиси, Олтинкўл туман Иқтисодиёт коллежи биносида, раислик қилувчи туман судининг раиси С.Расулов, судья ёрдамчиси И.Турдиалиевнинг котиблигида, тарафлардан Олтинкўл туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори Х.Олимовнинг иштирокида, Олтинкўл туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан **А.Абдуқаххоровга** нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида билдирилган тақдимномани унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича **Андижон шаҳар судининг 2022 йил 16 июндаги** ҳукмига асосан:

Абдуқаххоров Абдувахоб Файзулло ўғли (Abduqaxxorov Abduvaxob Fayzullo o'g'li) 1997 йил 2 март куни Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, Андижон шаҳар санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ёрдамчи эпидемиолог, Олтинкўл тумани, Мехнат МФЙ, Дўстлик кўчаси 124-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми айбланиб, ЖКнинг 45,57-моддалари тартибида 3 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, хар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Тақдимномада Олтинкўл туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан **А.Абдуқаххоровнинг** ўталмай қолган жазо муддатидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ҳақида тақдимнома киритилган.

Олтинкўл туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори Х.Олимов маҳқум **А.Абдуқаххоровга** нисбатан ажрим **2022 йил 14 июль** куни ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобига рўйхатдан ўтказилганини, наъмунали хулқи, зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни тўла риоя қилиб келаётгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, уни ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраб, судга тақдимнома



киритилганлиги, маҳкум жазо турлари учун ўрнатилган тартиб қоида талабларини бажарган, меҳнатга халол муносабатга бўлганлиги учун маҳкумга нисбатан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб, фикр билдирди.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиб, ИИБ Пробация гуруҳи инспекторининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга асосан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида маҳкумга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинланган жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан сўнг қўлланиши мумкинлиги белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, **А.Абдуқаххоров** унча-оғир бўлмаган жинояти учун судланиб, суд томонидан тайинланган жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлган ва уни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга асосан киритилган тақдимномани қаноатлантириб, маҳкум **А.Абдуқаххоров** ўталмай қолган **1 йил 10 ой 10 кун** ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси ЖПК 532, 536, 542 моддаларига асосан,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тақдимнома қаноатлантирилсин.

Абдуқаххоров Абдувахоб Файзулло ўғли ўталмай қолган **1 йил 10 ой 10 кун** ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар 20 сутка муддат ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

С.Расулов

